

Меҳмонни икром қилиш

03:15 / 29.09.2021 2483

Абу Шурайх Хузоъий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қуйидагиларни айтаётганларини икки қулоғим эшитган ва икки кўзим кўрган: **«Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин, мукофотини берсин»**, дедилар. «Мукофоти нима, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. **«Бир кечаю бир кундуз. Зиёфат уч кун. Ундан кейини садақадир. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин»**, дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.